

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ШАВКАТОВА ЗИЛОЛА ШАВКАТОВНА

**ВЎЗАНИ 76 СМ ҚАТОР ОРАСИДА ПАРВАРИШЛАШДА КЎЧАТ
ҚАЛИНЛИГИ ВА ЁҒИТЛАР МЕЪЁРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on
agricultural sciences**

Шавкатова Зилола Шавкатовна

Вўзани 76 см қатор орасида парваришлашда кўчат қалинлиги ва ўғитлар меъёрини ишлаб чиқиш (Самарқанд вилояти шароитида)..... 3

Шавкатова Зилола Шавкатовна

Разработать густоту стояния хлопчатника и нормы удобрений при возделывании на 76 см междурядиях (в условиях Самаркандского областа)..... 21

Shavkatova Zilola Shavkatovna

To develop the density of standing of cotton and the norms of fertilizers when cultivating at 76 cm row spacing (in the conditions of the Samarkand region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ШАВКАТОВА ЗИЛОЛА ШАВКАТОВНА

**ҒЎЗАНИ 76 СМ ҚАТОР ОРАСИДА ПАРВАРИШЛАШДА КЎЧАТ
ҚАЛИНЛИГИ ВА ЎҒИТЛАР МЕЪЁРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН - 2023

Философа доктори (PhD) диссертацияси маълум Узбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги кўрсатидаги Олий аттестация комиссиясида В2023.А.РФД/Қи814 рақам билан рўйхатга қилинган.

Философа доктори (PhD) диссертацияси Пахта оқимидекан, уруғчилик ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида баҳориланган.

Философа доктори (PhD) диссертацияси автороферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (русча)) Олий аттестация веб-сайтида (www.dairai.uz) ва «ZiyoNet» алоҳид тизим орқали (www.dairai.uz) joylashtirilmagan.

Илмий раҳбар:	Қарабаев Нураломан Турарович квалификация факультети доктори, катта илмий котиб
Расмий раёнабошлар:	Ибрагимов Одиқомил Олижонович квалификация факультети доктори, профессор Турегунов Ибрагим Абдухалимович квалификация факультети бўйича философа доктори, доцент
Етказчи таъинланди:	Тоҳиров дилол аграр университети

Философа доктори (PhD) диссертацияси қилинган Андижон квалификация факультети ва агротехнологиялар институти кўрсатидаги РФД.05.70.10.2020.Қи.126.01 рақамда Олий аттестация 2023-йил «12» 12 ойи «12» 12 кунга маълум қилинган Олий Ушша (Миллат: 170600 Андижон тумани, Куйбўғи шаҳарчаси, Олийлик кўчаси, 1-йў). Тел: (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: ara_info@dairai.uz; Андижон квалификация факультети ва агротехнологиялар институти маълумот босқичи, 1 қavat, аниқлаштирилган.

Философа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон квалификация факультети ва агротехнологиялар институтининг Алоҳид-ресурс маркази таъинланди муҳим (06-01-01) рақамда билан рўйхатга қилинган. Миллат: 170600, Андижон тумани, Куйбўғи шаҳарчаси, Олийлик кўчаси 1-йў, Андижон квалификация факультети ва агротехнологиялар институти. Алоҳид-ресурс маркази босқичи. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автороферати 2023 йил «15» «12» да тарқатилган.
(2023 йил «15» «12» кунга «42» рақамда росер баёни билан).



А.Насилов,
Олий раёнабошлар берувчи илмий
котиб раёна, к.к.ф.д., профессор.

А.Н.Жўраев,
Олий раёнабошлар берувчи илмий
котиб раёна, к.к.ф.д., профессор.

К.С.Қочқоров,
Олий раёнабошлар берувчи илмий
котиб раёна, к.к.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг 98 мамлакатада ғўза парваришланиб, жами 33-34 млн гектар майдонни ташкил этади. «Бу давлатлар қаторига Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Бразилия ва бошқа мамлакатлар киради. Ғўзани турли қатор кенгликларида Хитой (66x10), Бразилия (76), Ҳиндистон (76), АҚШ (76) ва бошқа давлатларда ҳам турли қатор кенгликларида парваришланиб, юқори ҳосил олинмоқда»¹. Шу билан бирга, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда ҳамда етиштириладиган маҳсулот таннархини пасайтириш, ғўзани ресурстежамкор технологиялар асосида парваришлаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларининг олимлари томонидан ғўзани янги навларини яратиш, уларни турли қатор кенгликларида парваришлаш ва етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, қатор орасига ишлов беришни такомиллаштириш, кўчат қалинлиги, минерал ўғитлар, суғориш, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби технологик жараёнларни ўрганиш борасидаги тадқиқот ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Республикамиз пахтачилигида кўп йиллар давомида ғўза 60 ва 90 см қатор ораликларида парвариш қилиб келинмоқда. Бироқ, ҳозирги кунга келиб 76 см қатор ораликларида ҳам ғўза экилмоқда. Ғўзани турли қатор ораликларида етиштириш ва мақбул қатор ораликларини ишлаб чиқиш, тупроқ зичланишига мумкин қадар кам таъсир этадиган техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, турли қатор ораликларида етиштирилган ғўзани мақбул кўчат қалинлиги ва озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»² фармонида қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, пахтачиликни ривожлантиришда тезпишар, серҳосил ва навнинг биологик хусусиятларига мос равишда 76 см қатор орасида парваришлаш билан бирга минерал ўғитдан унумли фойдаланиш ҳамда мақбул кўчат қалинлигини белгилаш мақсадида уйғунлашган агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказиш зарурияти юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПК-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш” қарори, 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹<https://worldpopulationreview.com/country-rankings/cotton-production-by-country>,
<https://access.onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1002/csc2.20535>;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон фармони

тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 510-сон “Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрохимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 июлдаги 578-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот ишлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзани турли (45x45, 60, 70, 80, 90, 100, 80x40, 80x60 см) қатор кенгликларида етиштириш бўйича В.Кондратюк, П.Беседин, Н.Ферштат, В.Еременко, А.Қашқаров, М.Мухаммаджонов, С.А.Гильдиев, А.Қараханов, Ғ.Сатипов, М.Хасанов, Ғ.Хасанова, Ш.Саломов, И.Қарабаев, К.Комилов, Д.Жанибеков ва хорижий олимлардан К.N.Reddy, I.C.Burke, J.C.Boykin, J.R.Williford, C.O.Gwathmey, L.E.Steckel томонларидан ҳар бир тупроқ-иқлим шароитларига мос ҳамда навларнинг морфобиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг самарадорлиги ўрганилган.

Бироқ, сўнгги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариши натижасида селекционер олимлар томонидан тезпишар ғўза навлари яратилган бўлиб, типик бўз тупроқлари шароитида 60, 90 ва 76 см қатор оралиқларида ғўзани парваришlash учун навнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақбул қатор оралиғини ишлаб чиқиш ҳамда шу қатор ораларида парваришланаётган ғўзада кўчат қалинлиги ва минерал ўғитларни йиллик меъёрлари бўйича илмий ишларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-192 “Янги юқори унумли комбинацион техникалар ёрдамида ерга ишлов беришнинг тупроқ зичланишига таъсири ва ғўза, кузги буғдой, такрорий экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани Бухоро-102 навини 76 см қатор орасида парваришlashда

мақбул минерал ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигини ишлаб чиқиш ҳамда фермер хўжаликлари ва агрокластерларга тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўзани 76 см қатор оралиғида парваришлашнинг тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ғўзанинг Бухоро-102 навини 76 см қатор оралиғида парваришлашда мақбул кўчат қалинлигини аниқлаш;

ғўзани 76 см қатор оралиғида парваришлашда минерал ўғитларнинг мақбул меъёрини ишлаб чиқиш;

ғўзани 76 см қатор оралиғида парваришлашда ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлиги, пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

Самарқанд вилоятнинг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани 76 см қатор оралиғида парваришлашда кўчат қалинлиги ва минерал ўғитлар меъёрларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида типик бўз тупроқлар ва ғўзанинг ўрта толали Бухоро-102 нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети Самарқанд вилояти типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани Бухоро-102 навини 76 см қатор орасида парваришлаш, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссалари, тупроқдаги микробиологик жараёнлар, минерал ўғитлар меъёри, кўчат қалинликлари, ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши, илдиз тизимининг ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифат кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар дала шароитида олиб борилиб, бунда «Методика полевых опытов с хлопчатником», «Методы агрофизических исследований почв Средней Азии», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалар асосида олиб борилиб, тажрибалардан олинган маълумотларга математик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмалари асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг Бухоро-102 навини 76 см қатор оралиғида парваришлашда мақбул кўчат қалинлиги ва минерал ўғитлар меъёри ишлаб чиқилган;

ғўзанинг Бухоро-102 навини 76 см қатор орасида парваришлашда кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлган, минерал ўғитларни йиллик меъёри $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га миқдорда қўлланилганда тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламда 0,006-0,026 г/см³ кам зичлашган, ғоваклиги 0,3-1,0 % ва агрономик жиҳатдан қимматли фракциялар миқдори 1,0-2,1 % га ортиб яхшилангани аниқланган;

ғўзанинг Бухоро-102 навини 76 см кенгликдаги қатор орасида парваришлашда кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлган, минерал ўғитлар $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га меъёрида қўлланилганда кўсақлар сони 0,5-1,1 дона, бир кўсақдаги пахта вазнини 0,2-0,3 граммгача юқори бўлиб, 0,4-1,3 ц/га гача

қўшимча ҳосил олинган;

ғўзани 76 см қатор орасида парваришlashда минерал ўғитлар $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га меъёрда қўлланилиб, кўчат қалинлиги 80-90 минг дона/га бўлганда бошқа вариантларга нисбатан ўртача уч йилда соф фойда 1155,3-3017,8 минг сўмгача, рентабеллик даражаси 6,8-15,2 % гача, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га, минерал ўғитларни йиллик меъёрларини $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га миқдорда бўлганда эса соф фойда 1244,4-2789,2 минг сўмгача, рентабеллик даражаси 2,2-11,7 % гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлар шароитида ғўзани Бухоро-102 навини 76 см қатор оралиғида етиштиришда кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлиб, минерал ўғитлар $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га меъёрда бўлганда, ўқ илдиз вазни 2,1-3,3 граммгача ортганлиги аниқланган. Пахта толасининг сифат кўрсаткичларидан эса пахта толасининг чиқиши 0,1-0,4 % га, микронеёри 0,1-0,2 ва 1000 дона чигит массаси 0,5-3,0 граммгача ортганлиги кузатилган;

ғўзанинг Бухоро-102 навини 76 см кенгликдаги қатор орасида парваришланганда кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлган, минерал ўғитлар $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га меъёрда кўсақлар сони 0,5-1,1 донагача, бир кўсақдаги пахта вазнини 0,2-0,3 граммгача юқори бўлиб, 0,4-1,3 ц/га гача қўшимча ҳосил олинди, ўртача уч йилда соф фойда 3370,6-2316,5 минг сўмгача, рентабеллик даражаси 15,8-11,4 % гача юқори бўлганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижаларини миллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳолангани ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалиги экинларини турли қатор кенгликлари соҳасидаги илмий ишларда кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва ҳалқаро илмий конференцияларда баён қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, Самарқанд вилоятини типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг Бухоро-102 навини парваришlashда 76 см қатор кенгликларига боғлиқ ҳолда, мақбул кўчат қалинлиги ва минерал ўғитлар меъёрларини ишлаб чиқиш натижасида тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятлари, ғўзани ўсиш, ривожланиши ҳамда юқори ҳосил олишни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ғўзани 76 см қатор кенглигида парваришlashда юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган агротехнология ишлаб чиқилган. Ғўзанинг Бухоро-102 навини парваришlashда мақбул кўчат қалинлиги ҳамда минерал ўғитлар меъёрида қўлланилиши натижасида пахтадан юқори ҳосил олинишига эришиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилоятини типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг “Бухоро-102” навини 76 см қатор

кенгликларида парваришлашнинг мақбул кўчат қалинлиги ва минерал ўғитлар меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Ўзанинг Бухоро-102 навини 76 см қатор кенгликларида парваришлашнинг мақбул озиклантириш меъёрлари ва кўчат қалинликлари” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 24 декабрдаги 07/21-21-9747-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Самарқанд вилоятининг пахтачилик фермер хўжаликлари ва кластерларда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

типик бўз тупроқлари шароитида ўзанинг Бухоро-102 навини қатор ораси 76 см кенликда парваришлаш агротехнологияси Самарқанд вилояти Нарпай тумани “Мароқанд сифат” пахта-тўқимачилик кластерини 182 гектар майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 24 декабрдаги 07/21-21-9747-сон маълумотномаси). Натижада ўза кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдириб, минерал ўғитлар $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га меъёрда қўлланилганда, озика майдони ортиб, илдиз тизими яхши ривожланиб, пахта ҳосили 41,2 ц/га ни ташкил этиб, биринчи терим ҳосили 25-30 % гача ортган, кўшимча ҳосил эса 4-5 ц/га олиниб, соф фойда 5951,3 минг сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 15-17 % га юқори бўлган;

ўзани 76 см қатор кенликда парваришлаб, юқори ҳосил олиш агротехнологияси Самарқанд вилояти Пайариқ туманида жойлашган “Пайариқ кластер” пахта-тўқимачилик кластерининг 155 гектар майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 24 декабрдаги 07/21-21-9747-сон маълумотномаси). Натижада, минерал ўғитлар меъёри $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га белгиланган, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га миқдорда қолдирилганда, бошқа қатор кенгликлари ҳамда минерал ўғит меъёрларида парваришланганга нисбатан ўсиш ривожланиши яхшиланиб, бир кўсакдаги пахта вазни 0,4 грамгача ортиб, кўшимча 5-6 ц/га гача пахта ҳосили олиниб, соф фойда 6237,0 минг сўм/га гача, рентабеллик даражаси эса 18-20 % гача юқори бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала шароитида олиб борилган тажрибалар ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва ҳалқаро илмий анжуманларда 4 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш нашр этилган шулардан 1 та тавсиянома ҳамда илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган ҳамда республика ва ҳалқаро конференцияларда 4 та нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва инновацион технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳар хил қатор кенгликларида ва минерал ўғитлар меъёрларида ғўза етиштириш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилган тадқиқотлар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани Бухоро-102 навини 76 см қатор орасида парваришlashда мақбул минерал ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигини ишлаб чиқиш, уларнинг ғўза ҳосилдорлиги ва тола сифатига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бундан ташқари адабиётлар таҳлилига асосланиб, ғўза навининг минерал ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигини ишлаб чиқишда Республиканинг турли тупроқ иқлим шароитлари бир-бирига таққосланиб, хулосалар қилинган.

Адабиётлар шарҳини хулоса қисмида Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўза навининг мақбул ўсиши ва ривожланиши қўлланилган агротехник тадбирларнинг (60 см, 90 см, 76 см қатор кенгликларида парваришlash, экиш тизимлар, ягана, кўчат қалинликлари, минерал ўғит меъёрлари) қай даражада ўтказилганлигига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, ғўзани турли қатор кенгликларида парваришlashда минерал ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигини самарадорлигига боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ иқлим шароити ва услублари ҳамда қўлланилган агротехник тадбирлар”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган ҳудуднинг географик ўрни, тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада экилган ғўза нави тавсифи, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Нарпай тумани “Мароқанд сифат” кластерида типик бўз, механик таркиби ўртача ва енгил кумоқ, сизот сувлари 14-16 м чуқурликда жойлашган тупроқлар шароитида ўтказилиб, дастлабки тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида гумус миқдори 0,852 % ни, умумий азот миқдори 0,095- 0,067 % ни, фосфор миқдори 0,170- 0,110 % ни, калий миқдори 2,21-2,05 % ни, ҳаракатчан шакллардан нитратли азот 25,4- 9,5 мг/кг ни,

ҳаракатчан фосфор 28,8-15,6 мг/кг ни, алмашинувчи калий эса 250-130 мг/кг ни ташкил этганлиги кузатилди.

Тадқиқот ўтказиш давомида тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр ёрдамида ғоваклиги формула билан ҳисоблаш йўли билан тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский усулида тупроқнинг донадорлиги, агрегатлик таркиби Н.И.Саввинов услуби бўйича, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги П.Долгов усулида аниқлаб борилди.

Тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий NPK И.М.Мальцева ва П.П.Гриценко, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотометрда П.В.Протасов усулларида, илдиз ривожланиши тупроқ монолит усулида аниқланган. Тупроқни микробиологик таҳлил қилишда тупроқ микробиологиясида умумий қабул қилинган усуллардан фойдаланилиб аммонификатор бактерияларини - ГПА озуқа муҳити, олигонитрофилларни -Эшби озуқа муҳити, микромицет ва актиномецетларни эса Чапека каттиқ озуқа муҳитларига экиб ўрганилди. Фенологик кузатувлар ва тупроқ ҳамда ўсимлик намуналарини олиш “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” ЎзПИТИ нинг услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган. Тажрибанинг қайтариқлар ва вариантлар бўйича ҳосилдорликларини математик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасида баён қилинган кўп омилли дисперсион таҳлил услуби асосида амалга оширилган.


Диссертациянинг **“Ўзани турли қатор кенгликлари кўчат қалинликлари ва ўғит меъёрларида етиштиришда тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ҳамда микробиологик хоссаларини ўзгариши”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда тажриба даласида турли қатор кенгликларида парваришланган ғўза навини минерал ўғит меъёрлари ва кўчат қалинликларини тупроқнинг ҳажм массаси, ғоваклиги, донадорлиги, сув ўтказувчанлиги ҳамда тупроқнинг агрохимёвий хусусиятларининг ўзгаришига таъсири, шунингдек, микробиологик хоссаларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

2021 йили тажриба майдонидаги тупроқнинг ҳажм массаси амал даври охирида қатор оралиғи 60 см бўлганда, минерал ўғитларни йиллик меъёрларини $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га миқдорда, назарий кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилганда (назорат) тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламда $1,325 \text{ г/см}^3$ ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда $1,366 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этиб, худди шундай қатор кенлиги ва минерал ўғитлар меъёри қўлланилиб фақат назарий кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қолдирилганга (назорат) нисбатан қатор оралиғи 60 ва 90 см га мос равишда $0,002-0,011 \text{ г/см}^3$ ва $0,001-0,008 \text{ г/см}^3$ гача ошганлиги кузатилган.

Ўзанинг амал даври охирига келиб, Бухоро-102 навини 76 см қатор орасида парваришlashда кўчат қалинлигини 110-120 минг туп/га бўлганда, фақат минерал ўғитларни йиллик меъёрларини $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га гача ортирилган 9-вариантда тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) ҳамда ҳайдов ости (30-50 см) қатламларда дастлабки ҳолатга нисбатан қатламларга мос равишда $0,013-0,002 \text{ г/см}^3$ гача зичлашгани, назорат (6-7-вариантлар) га


нисбатан аксинча 0,017-0,06; 0,015-0,004 г/см³ гача камайиб, яхшилангани аниқланган.

Вўзани 76 см қатор орасида парваришлаб минерал ўғитлар йиллик меъёри N₁₈₀P₁₂₆K₉₀ кг/га, N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га ҳамда N₂₂₀P₁₅₄K₁₁₀ кг/га миқдорда белгиланганида, фақат кўчат қалинлиги 30 минг туп/га оширилганда қатламларга мос равишда тупроқнинг ҳажм массаси 0,003-0,007 г/см³ гача камайиб, яхшилангани аниқланган (1-расм).



1-расм. Вўзани турли қатор орасида парваришлашни тупроқнинг ҳажм массасига таъсири, г/см³ (2021 й.)

Вўзани 76 см кенгликдаги қатор орасида парваришлашда минерал ўғитларни йиллик меъёри N₂₂₀P₁₅₄K₁₁₀ кг/га миқдорда, иккала кўчат қалинлиги миқдорида қолдирилганда ўзани амал даври охирига келиб, тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламда назорат вариантларга нисбатан 0,021-0,026 г/см³ гача, минерал ўғитларнинг йиллик меъёрларига нисбатан эса 0,005-0,012; 0,004-0,016 г/см³ гача тупроқнинг зичланиши камайиши кузатилган.



2-расм. Вўзани турли қатор орасида парваришлашни тупроқнинг ғоваклигига таъсири, % (2021 й.)

Тажрибада тупроқнинг ғоваклиги деб амал даври бошида ҳайдов (0-30 см) қатламида 52,1 % ни ҳамда ҳайдов ости 30-50 см тупроқ қатламида эса 50,2 % ни ташкил этгани кузатилган. Ғўзанинг амал даври охирига келиб қатор кенглиги 60 см бўлган минерал ўғитларни йиллик меъёрларини N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га миқдорда, назарий кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилган (назорат) тупроқнинг ғоваклиги ҳайдов (0-30 см) қатламда 50,9 % ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда 49,4 % ни ташкил этган (2-расм).

Худди шундай қатор кенглиги ва минерал ўғитлар меъёри қўлланилиб фақат назарий кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қолдирилган (назорат) 60 см қатор оралиғига нисбатан 0,1-0,4 % гача, қатор оралиғи 90 см бўлганда эса бу кўрсаткичлар мос ҳолда 0,04-0,3 % гача ошганлиги кузатилган.

Ғўзани Бухоро-102 навини 76 см қатор орасида парваришlashда минерал ўғитлар йиллик меъёри N₁₈₀P₁₂₆K₉₀ кг/га, N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га ҳамда N₂₂₀P₁₅₄K₁₁₀ кг/га миқдорда белгиланганда, фақат кўчат қалинлиги 30 минг туп/га оширилганда қатламларга мос равишда тупроқнинг ғоваклиги 0,11-0,3 % гача ортиб, яхшилангани аниқланган.

Тупроқ донадорлиги бўйича олинган маълумотларда амал даври бошида агрономик жиҳатдан қимматли фракциялар (<10->0,25мм) миқдори ҳайдов (0-30 см) қатламида 70,9 % ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 69,9 % ни ташкил этган.

1-жадвал

Ғўзани турли қатор орасида парваришlashни тупроқнинг донадорлигига таъсири, % (2021 йил)

№	Вариантлар			Қатламлар, см					
				0-30 см			30-50 см		
	Қатор ораси, см	Кўчат қалинлиги, минг туп/га	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га	>10	10-0,25	<0,25	>10	10-0,25	<0,25
	Дастлабки			22,5	70,9	6,6	23,8	69,9	5,7
	Амал даври охирида								
1	60 см (назорат)	80-90	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	26,4	68,7	4,9	26,7	68,4	4,9
2	90 см (назорат)		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	26,1	69,1	4,8	26,5	68,7	4,8
3	76 см		N ₁₈₀ P ₁₂₆ K ₉₀	24,8	70,1	5,1	26,3	69,6	4,9
4			N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	24,5	70,3	5,2	25,7	69,7	4,6
5			N ₂₂₀ P ₁₅₄ K ₁₁₀	24,8	70,5	4,7	25,5	69,9	4,6
6	60 см (назорат)	110-120	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	26,1	68,6	5,3	26,9	68,2	4,9
7	90 см (назорат)		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	25,9	68,9	5,2	26,8	68,3	4,9
8	76 см		N ₁₈₀ P ₁₂₆ K ₉₀	24,3	70,5	5,2	26,1	69,7	4,8
9			N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	24,6	70,6	4,8	25,6	69,8	4,6
10			N ₂₂₀ P ₁₅₄ K ₁₁₀	24,7	70,7	4,6	25,0	70,1	4,5

Ғўзанинг Бухоро-102 навини амал даври охирига келиб, ўсимликни қатор оралиғи 60 см кенгликда парваришланганда, минерал ўғитларни йиллик меъёрларини N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га миқдорда, назарий кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилган (назорат) да тупроқнинг агрономик жиҳатдан қимматли

фракциялар миқдори ҳайдов (0-30 см) қатламда 68,7 % ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда 68,4 % ни ташкил этган бўлса, худди шундай қатор кенглиги ва минерал ўғитлар меъёри бўлганда фақат назарий кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қолдирилган (назорат) қатор оралиғи 60 см га нисбатан 0,1-0,2 % гача, қатор оралиғи 90 см бўлгандагига нисбатан эса бу кўрсаткич мос ҳолда 0,2-0,4 % гача камайганлиги кузатилган (1-жадвал).

Ўзани 76 см қатор орасида парваришлаб минерал ўғитлар йиллик меъёри $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га, $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га ҳамда $N_{220}P_{154}K_{110}$ кг/га қўлланилганда, фақат кўчат қалинлиги 30 минг туп/га оширилган вариантларда қатламларга мос равишда тупроқнинг агрономик жиҳатдан қимматли фракциялар миқдори кўрсаткичи 0,4 % гача ортиб бориши аниқланган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги бўйича 2021 йили олиб борилган тадқиқотларда турли қатор ораликлари, минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёрлари ҳамда кўчат қалинликларини тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири аниқланганда амал даври бошида ўртача 814,4 м³/га ни ташкил этган бўлса, амал даври охирига келиб, амал даври бошидаги кўрсаткичга нисбатан барча вариантларда бир мунча камайганлиги кузатилган.

Ўзанинг амал даври охирига келиб қатор кенглиги 60 см бўлганда, минерал ўғитларни йиллик меъёрларини $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га миқдорда, назарий кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилган (назорат) да тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 684,8 м³/га ни ташкил этган бўлса, худди шундай қатор кенглиги ва минерал ўғитлар меъёри бўлганда фақат назарий кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га қолдирилган (назорат) га нисбатан 6,8 м³/га гача ошганлиги кузатилган.



3-расм. Ўзани турли қатор орасида парваришлашни тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м³/га (2021 й.)

Ўзани 76 см қатор орасида парваришлаб минерал ўғитлар йиллик меъёри $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га, $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га ҳамда $N_{220}P_{154}K_{110}$ кг/га миқдорда белгиланганда, фақат кўчат қалинлиги 30 минг туп/га оширилган вариантларда қатламларга мос равишда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 8,6; 7,2; 3,8 м³/га гача ортиб, яхшилангани аниқланган (3-расм).

Тупроқнинг агрохимёвий хусусиятлари бўйича олиб борилган

маълумотларда тупроқ таркибидаги озика моддаларнинг ҳаракатчан шакллари микдорининг ўзгариши бевосита қўлланилган ўғитлар меъёри, кўчат қалинлиги ва ғўза қатор оралиғига боғлиқ бўлиб, қолаверса тупроқнинг дондорлиги ҳамда ғоваклиги юқори бўлса, ҳаво аэрация даражаси ҳам юқори бўлиши кузатилган (2-жадвал).

Ўзанинг Бухоро-102 навини қатор оралиғи 76 см кенгликда парваришlashда кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га ни ташкил этиб, минерал ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га бўлган тажрибанинг 4-вариантида азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари микдори дастлабки даврига нисбатан 0-30 см қатламда 0,6-0,4-20 мг/кг ошган бўлса, 30-50 см қатламда эса NO_3 , P_2O_5 , K_2O мутаносиб равишда 1,6; 1,8; 5 мг/кг га ошганлиги аниқланган.

2-жадвал

Тупроқнинг агрокимёвий хусусиятлари (2021 й.)

№	Қатор ораси, см	Кўчат қалинлиги, минг туп/га	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га	Тупроқ қатламлари, см	Умумий шакли, %			Ҳаракатчан шакли, мг/кг		
					Гумус	Азот	Фосфор	NO_3	P_2O_5	K_2O
Дастлабки				0-30	0,852	0,095	0,170	25,4	28,8	250
				30-50	0,635	0,067	0,110	9,5	15,6	130
Амал даври охирида										
1	60 см (назорат)	80-90	$N_{200}P_{140}K_{100}$	0-30	0,849	0,090	0,160	25,1	28,6	265
				30-50	0,629	0,065	0,090	8,1	15,6	125
2	90 см (назорат)		$N_{200}P_{140}K_{100}$	0-30	0,850	0,100	0,150	27,3	30,4	276
				30-50	0,630	0,072	0,080	10,7	17,1	130
3	76 см		$N_{180}P_{126}K_{90}$	0-30	0,852	0,105	0,175	24,1	27,6	228
				30-50	0,633	0,080	0,110	7,2	16,0	154
4	76 см		$N_{200}P_{140}K_{100}$	0-30	0,851	0,110	0,175	26,0	29,2	270
				30-50	0,629	0,075	0,113	11,1	17,4	135
5	76 см		$N_{220}P_{154}K_{110}$	0-30	0,851	0,090	0,179	26,7	28,3	275
				30-50	0,634	0,048	0,112	12,3	14,8	145
6	60 см (назорат)	$N_{200}P_{140}K_{100}$	0-30	0,850	0,108	0,176	28,1	31,0	270	
			30-50	0,631	0,081	0,109	10,0	15,8	130	
7	90 см (назорат)	$N_{200}P_{140}K_{100}$	0-30	0,849	0,110	0,150	28,7	31,1	280	
			30-50	0,629	0,084	0,090	10,9	16,3	135	
8	76 см	$N_{180}P_{126}K_{90}$	0-30	0,851	0,104	0,170	25,3	28,8	232	
			30-50	0,634	0,079	0,114	9,7	12,7	135	
9	76 см	$N_{200}P_{140}K_{100}$	0-30	0,849	0,105	0,175	28,6	31,3	275	
			30-50	0,634	0,072	0,110	10,2	17,0	140	
10	76 см	$N_{220}P_{154}K_{110}$	0-30	0,850	0,090	0,165	28,7	32,5	285	
			30-50	0,635	0,049	0,113	10,3	18,6	130	

Ўзани қатор оралиғи 76 см кенгликда парваришlashда минерал ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га ва кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га ни ташкил этган 9-вариантида нитрат азоти, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари микдори дастлабки даврига нисбатан 0-30 см қатламда 3,2-2,5-25 мг/кг ни, 30-50 см қатламда эса 0,7-1,4-10 мг/кг гача ошганлиги аниқланди. Қатор оралиғи ва кўчат қалинлиги ўзгармаганда минерал ўғитлар меъёри $N_{220}P_{154}K_{110}$ кг/га меъёрда бўлган тажрибанинг 10-вариантида нитрат азоти, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари микдори дастлабки даврига нисбатан 0-30 см қатламда 3,3-3,7-35 мг/кг га, 30-50 см қатламда эса 0,8-3,0- мг/кг гача ошганлиги аниқланди.

Тупроқнинг микробиологик хоссалари бўйича натижаларнинг кўрсатишича, турли қатор оралиғида Бухоро-102 нави парваришланганда,

кўчатлар қалинлиги 80-90 ва 110-120 минг туп/га, турли хил меъёрдаги минерал ўғитлар қўлланилганда ҳам тупроқдаги микроорганизмлар сонига сезиларли таъсир кўрсатган. Умуман олганда табиий ҳолатда микроорганизмлар миқдори ғўза экиннинг вегетация даври давомида ортиб бориши кузатилган.

Диссертациянинг “**Турли қатор кенгликларида кўчат қалинликлари ва ўғит меъёрларининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири**” деб номланган тўртинчи бобида уруғларни униб чиқиш динамикаси, ўсиш-ривожланиши, кўчат қалинлиги, бир кўсакдаги пахта вазни, ҳосилдорлик ҳамда сифат кўрсаткичлари баён этилган.

Ғўза ниҳолларини униб чиқиш динамикаси бўйича олиб борилган кузатувларда ғўзани 76 см қатор орасида парваришlashда минерал ўғитларни йиллик меъёри N₁₈₀P₁₂₆K₉₀ кг/га миқдорда, назарий кўчат қалинлиги 80-90 ҳамда 110-120 минг туп/га қолдирилганда чигитнинг униб чиқиш динамикаси назоратга нисбатан кўчат қалинликлари миқдорларга мос равишда 1,8-2,9; 2,1-2,9 % гача юқори бўлганлиги, 76 см қатор кенгликларида минерал ўғитларнинг юқори нормалари қўлланилганга нисбатан эса деярли катта фарқ кузатилмаган.

3-жадвал

Ғўзанинг ҳақиқий кўчат қалинликлари, минг туп/га (2021 й.)

№	Вариантлар			Қайтариклар				Ўргача, минг туп/га
	Қатор ораси, см	Кўчат қалинлиги, минг туп/га	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га	Амал даври охирида, минг туп/га				
				I	II	III	IV	
1	60 см (назорат)	80-90	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	81,1	81,8	82,5	82,9	82,1
2	90 см (назорат)		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	81,5	81,6	82,3	82,6	82,2
3	76 см		N ₁₈₀ P ₁₂₆ K ₉₀	84,1	84,6	85,2	85,6	84,9
4			N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	83,6	85,4	85,7	85,2	85,0
5			N ₂₂₀ P ₁₅₄ K ₁₁₀	84,8	85,6	85,8	86,0	85,6
6	60 см (назорат)	110-120	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	109,6	110,2	110,6	111,1	110,4
7	90 см (назорат)		N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	110,6	110,9	111,5	111,8	111,2
8	76 см		N ₁₈₀ P ₁₂₆ K ₉₀	112,6	113,4	113,8	114,3	113,4
9			N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	112,7	113,8	114,2	113,9	113,6
10			N ₂₂₀ P ₁₅₄ K ₁₁₀	113,2	113,9	114,6	114,4	114,0

